

Оллоҳнинг Сомад исми

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



Шайх Содиқ Юсуф Самарқандий



**Нашрга тайёрловчи ва муҳаррир:
Абу Абдуллоҳ Шоший**

من أسماء الله الحسنى " الصمد "

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



الشيخ صادق يوسف السمرقندي



تحقيق واعداد:

أبو عبد الله الشاشي

Муқаддима



Барча ҳамд ва мақтовлар Оллоҳга хосдир. Биз Ундан ёрдам сўраймиз. Нафсимизнинг ёмонлиги ва амалларимизнинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират тилаймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган одамни адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоятловчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад эса Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман. Ва Пайғамбаримиз Муҳаммадга, аҳли оиласи, саҳобалари ва то қиёмат у зотга эргашувчиларга Оллоҳнинг кўпдан-кўп салавоту саломлари бўлсин.

Аммо баъд...

Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракатуҳ.

Биз Оллоҳ субҳонаҳу ва таолодан мадад сўраб, Оллоҳ таолони танишлик ҳақида суҳбатлар қилмоқчимиз. Зеро Оллоҳ таолони танишлик ҳар бир нарсанинг асли ҳисобланади ва ҳамма нарса шундан бошланади. Ўзи амалларнинг қабул бўлиш шarti иймондир. Агар иймон бўлмаса амал қабул бўлмайди. Амал

ҳар қанча катта бўлса ҳам, қийматли бўлиб кўринса ҳам, лекин иймон бўлмаса, у қабул бўлмайди. Оллоҳ таоло Қуръонда шундай дейди: **“Биз уларнинг (яъни кофирларнинг) қилган амалларни ҳаммасини худди сочилган чанг-тўзондай қилиб ташладик”** (Фурқон сураси, 23-оят). Яъни иймон бўлмаса, амалнинг умуман қиймати йўқ ва қабул ҳам бўлмайди. Иймон эса Оллоҳнинг маърифатисиз бўлмайди. Оллоҳни танимасдан ҳеч ким иймон келтира олмайди. Киши Оллоҳни қанчалик таниса, шунчалик иймони бақувват бўлади. Бу нарса, яъни Оллоҳни танишлик асларнинг асли ҳисобланади. Агар иймон амалларнинг асли бўлса, иймоннинг асли эса Оллоҳни танишлик — маърифатуллоҳдир. Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло Китоби (Қуръон)да Ўзини танитди, Қуръоннинг нозил бўлишидан мақсад ҳам шу эди. Чунки Оллоҳни таниган кишиларгина Оллоҳга ибодат қилади. Оллоҳ таоло айтади: **“Мен инсон ва жинларни Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим”** (Зориёт: 56). Шу оятнинг тафсирида Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо “илла лияъбудун”ни “илла лияърифун”, яъни “Мени танишлари учун яратдим”, деб тафсир қилган. Чунки Оллоҳни танимаган одам

Оллоҳга ибодат қила олмайди. Киши қанчалик даражада Оллоҳни таниса, унинг Оллоҳдан қўрқишлиги шунчалик даражада кўпайиб бораверади. Оллоҳ таоло Қуръонда шундай деган: **“Оллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқадилар”** (Фотир: 28). Бундан кўринадики, олим — Оллоҳни таниган сари Оллоҳдан қўрқуви зиёда бўладиган киши экан.

Шунинг учун имом Аҳмад айтганлар: “Илм кўп ҳадис ривоят қилишлик эмас, балки илм — Оллоҳдан қўрқишликдир”.

Оллоҳдан ким қўрқади? Олим кишиларгина қўрқади. Бу юқоридаги оятдан олинган маънодир.

Демак, кишининг илми қанчалик даражада кўпайса, шунчалик Оллоҳдан қўрқиши кўпайиб бораверади. Бу ўринда савол туғилади; баъзи бир кишилар одамлар кўзига олим бўлиб кўринади, Қуръоннинг ҳаммасини ёдлаган, ёки “Сунан” китобларини анча-мунча ўқиган, улар нега Оллоҳдан қўрмайдилар?

Бу саволга жавобимиз, унда маълумот бор-у, лекин илм йўқ. Илм — Оллоҳдан қўрқишликни келтириб чиқарган нарсадир. Бу учун Оллоҳ-

ни таниш керак. Биз Оллоҳдан мадад сўраб,
баҳолиқудрат шу мавзу ҳақида суҳбат қилиб
борамиз...

Оллоҳнинг "Ас-Сомад" исми



Бугунги суҳбатимиз, иншаоллоҳ, Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг “Сомад” исми ҳақидадир. Эҳтимол, бу исм ҳақида кўпчилик эшитган, ҳаммамиз билармиз, бу ўринда такрорлаш бўлади. Зеро такрорлаш мўмин кишига фойда беради, толиби илм қанча такрор қилса, шунча фойда олади.

Оллоҳ таолога Унинг “Сомад” исми билан ибодат қилиш ва Оллоҳни таниш

Оллоҳ таолонинг гўзал исм ва сифатлари бор, Оллоҳ таоло айтади: **“Оллоҳнинг гўзал исмлари бор, Оллоҳга мана шу исмлари билан дуо қилинглар!”** (Аъроф: 180).

Оллоҳга дуо қилишлик икки хил бўлади:

1. Оллоҳдан бирор нарсани сўраб дуо қилиш, бу дуоул-масъала, дейилади.

2. Оллоҳ таолони мақтаб, Унга ибодат қилиб дуо қилиш. Оллоҳ таолонинг исмларини айтиб, масалан: “Оллоҳ Ундан ўзга илоҳ йўқ бўлган зотдир. У тирик ва қаййумдир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас”, демоқ Оллоҳ таолони

мақташ, Унга сано айтишдир. Мана шу билан Оллоҳга ибодат қилинади. Яна я Ҳаййу, я Қоййуму, я Карим, деб Оллоҳнинг исmlарини айтиб, Унга ибодат қилинади.

Оллоҳ таолонинг мана шундай гўзал исmlари бор, шу исmlари билан Оллоҳга дуо қилиш керак. Инсон дуосида Оллоҳ таолонинг исmlаридан бошқа нарсага ўтиб кетса, ҳаддидан ошган бўлади. Адашган тоифаларнинг аксарияти мана шу Оллоҳ таолони таниш борасида адашишди. Аҳли суннатнинг Оллоҳнинг исм ва сифатлари ҳақида ақидаси қандай бўлиши кераклигини суҳбатимиз давомида аста-секин тушунтириб борамиз. Бу жуда ҳам муҳим нарса, зеро аҳли суннатданман, деб даъво қилган ҳар бир киши билиш керак бўлган қоидалар бор...

Оллоҳ таолонинг “Сомад” исми Қуръонда битта жойда келган, қаерда? Ўша ҳамма биладиган сурада келган: “Қул ҳуваллоҳу аҳад, Аллоҳус-сомад” сурасида. Бу муборак сура ҳажми кичик бўлишига қарамай, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам шаҳодатлари билан Қуръоннинг учдан бирига тенг, дейилди. Нега Қуръоннинг учдан бири дейилди, Қуръон

ҳазилакам китоб эмас-ку?! Оллоҳ таоло Қуръонда Қуръон ҳақида шундай оят нозил қилган: **“Агар у билан тоғлар жойидан жилдириладиган, ё у билан Ер ёриладиган, ёки у билан ўликлар тилга киритилладиган бир китоб бўлса эди (ўша китоб Қуръон бўларди). Фақат барча иш ёлғиз Оллоҳникидир”** (Раъд: 31).

Яъни бунинг жавоби маълум бўлгани учун Оллоҳ таоло унинг лафзини нозил қилмасдан маъносига ишора қилган. Маъноси шундай бўлади: Агарда тоғларни жойидан жилдирворишлик учун бир китоб керак дейилса, мана шу Қуръон нозил бўларди. Ерларни парча-парча қилиб бўлиб ташлаш учун бир китоб керак дейилса, мана шу Қуръон нозил бўларди. Ёки ўликларни тирилтириш, гапиртириш учун китоб керак дейилса, мана шу Қуръон нозил қилинарди. Лекин Оллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган ишни қилади.

Ихлос сураси мана шундай буюк китоб — Қуръоннинг учдан бирига тенгдир. Бунинг сабаби, бу сура Оллоҳ таолони энг яхши танитган суралардан ҳисобланишидир.

Демак, Сомад исми Қуръонда бир ўринда келган, “Оллоҳ Сомаддир” (Ихлос: 2). Ва ҳадис-

да ҳам бир ўринда келган, Сунан китоблари соҳиблари ривоят қилишган, Абу Довуд раҳимаҳуллоҳнинг ривоятида шундай келган: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бир кишининг: “Аллоҳумма инний асалука бианни ашҳаду аннака анталлоҳу, лаа илаҳа илла анта, ал-аҳаду ас-сомад, аллазий лам ялид ва лам юулад, ва лам якуллаҳу куфуан аҳад, ан тағфироли зунуби”¹, деб дуо қилганини эшитиб, бу одам Оллоҳнинг исми аъзам, яъни энг буюк исми билан дуо қилди, у шундай исмики, агар шу билан дуо қилинса, Оллоҳ ижобат қилади, агар ўша исм билан сўралса, Оллоҳ сўраганини беради, дедилар”.

Биз бу нарсдан ғофил бўлмаслигимиз керак. Ўша киши “лаа илаҳа илла анта, ал-аҳаду ас-сомад, аллазий лам ялид ва лам юулад, ва лам якуллаҳу куфуан аҳад”², деб дуо қилган, Сомад исми фақат шу ҳадисда келган.

¹ Маъноси: Эй Оллоҳ, мен Сендан бошқа ҳақ илоҳ йўқ, ягона, туғмаган ва туғилмаган ҳамда бирор нарса Сенга тенг бўлмаган Сомадлигинг билан Сендан менинг гуноҳларимни мағфират қилишингни сўрайман.

² Сендан бошқа ҳақ илоҳ йўқ, ягона, туғмаган ва туғилмаган ҳамда бирор нарса Сенга тенг бўлмаган Сомадсан.

Сомад сўзининг маъноси:

Сомад сўзи араб тилида бир неча маъноларда келади;

1- Саййид маъносида келади. Араблар саййид, яъни қавмнинг улуғини, усиз ишлар битмайдиган одамни “ҳазаа рожулун сомад”, дейишади, яъни бу сомад одам дегани. Бу дегани, иш усиз битмайдиган одам, ҳамма шу кишининг гапига суюнади, шу одамнинг гапи гап дегани. Бу луғатдаги маънодир.

2- Ичи ковак эмас деган маънода ишлатилади. Ичи ковак бўлган нарсада эҳтиёж бўлади. Нимаики ичи ковак экан, у заиф бўлади. Оллоҳга гўзал мисолларгина ярашади, биз бу ўринда баъзи мисолларни келтириб ўтамиз, ичи ковак бўлмаган нарса билан ичи ковак нарсанинг фарқи бор. Оллоҳ таоло одамни яратиб, қанчадир муддат яратилган ҳолида ерга ташлаб қўйди. Имом Бухорийнинг ривоятида келадикки, Оллоҳ таоло одам алайҳиссаломни яратган пайтда унинг узунлиги 60, эни 12 зироъ бўлган. Яъни баландлиги 40 метрдан зиёд бўлган, ҳозирги кунда 13-14 қаватлик биноларнинг узунлигига тўғри келади. Одам алайҳиссаломнинг бўйлари ва энлари шунча

— бўйлари 60, энлари 12 зирוף бўлган. У зот лой-сополдан яратилганди. У ерда ётганида шайтон келиб, бу қандай махлуқ экан, деб ҳайрон бўлар ва унинг оғзидан кириб, орқасидан, орқасидан кириб, оғзидан чиқарди. Унинг ичи коваклигини кўриб, фаришталарга: “Бу заиф махлуқ экан, чунки бунинг ичи кавак экан”, дейди.

Ичи ғовак бўлган нарсада эҳтиёж бўлади, ҳақиқатан ҳам шундай ўзи! Инсоннинг ичи ғовак эканлигини ҳаммамиз биламиз. Инсонда кирадиган ва чиқадиган йўллар бор. Шунинг учун инсонда доимий равишда эҳтиёж бўлиб туради. Овқат ейсиз, бироздан кейин яна ҳеч нарса емагандай муҳтож бўлиб тураверасиз. Агар зўр келса, бировга йиғлаб ялинадаган даражада эҳтиёжманд бўлиб тураверади одам. Бир қоринни тўқлаб олгандан кейин, мана тўйдириб олдимми, шу билан умримнинг охиригача кетдим, деган гап йўқ, яна муҳтож бўлиб тураверасиз. Нафас олиш, овқат ейиш, сув ичиш каби нарсаларга инсон доим муҳтож бўлади. Инсоннинг булардан ташқари ҳам эҳтиёжлари жуда кўп, Оллоҳ инсонни мана шундай қилиб яратди ва шундай бўлишини ўзи хоҳлади. Оллоҳ таоло махлуқотларнинг ҳамма-

сини Ўзига муҳтож қилиб яратди. Оллоҳ таоло фардус-сомад бўлган ёлғиз, ҳеч нарсага муҳтож бўлмайдиган Зотдир. У хоссатан инсонни муҳтож қилиб яратди. Инсон ҳавога муҳтож, масалан, Оллоҳ уни ҳаво олмайдиган қилиб яратишга қодир эди, тўғрими? Шунчалик ҳавога муҳтож қилиб қўйдик, нафас олиб-чиқаришни олинг, одам нафас олмай турмайди. Ухласангиз ҳам, турсангиз ҳам, юрсангиз ва югурсангиз ҳам, қандай ҳолатда бўлсангиз ҳам нафас олиш керак. Одамнинг нафасини озроқ қисиб турилса, ҳамма нарсага рози бўлади. Оддий сув ичиш ҳам, овқат ейиш ҳам худди шундай. Инсон иссиққа-ю совуққа, шамолга ҳам муҳтождир. Унга ҳамма нарса керак. Ёруғлик бўлмаса ҳам, қоронғулик бўлмаса ҳам бўлмайди. Эсларингизда бўлса, Қасос сурасида ёруғлик неъматини ҳақида гапиргандик. Агар Оллоҳ таоло бутун дунёдан қоронғуликни йўқ қилиб, ёруғ қилиб қўйганда эди, Оллоҳдан бошқа ким сизларга қоронғулик неъматини олиб кела оларди?! Демак, Оллоҳ таоло қоронғуликни ҳам бизнинг эҳтиёжимиз учун яратди, ёруғликни ҳам. Қисқаси, ҳамма нарса, шамол ҳам, иссиқлик ҳам, совуқлик ҳам, ейдиган, ичадиган, ҳамма нарса инсоннинг эҳтиёжи учун

яратилди. Фарзандга муҳтожмиз, уйланишга муҳтожмиз, аёллар турмуш қуришга муҳтож, инсон ана шундай яратилган. Инсон меҳрга муҳтож, илмга муҳтож. Яна ўйлаб қаранг, турган турмушимиз муҳтожликдан иборат. Ҳозир мана шу туришимизда ҳам эҳтиёжимиз бор. Ҳали биз билмаган эҳтиёжимиз, масалан, еган овқатимизнинг ҳазм бўлишига қанча эҳтиёжимиз бор, агар кишининг ўт пуфаги ёки ҳазм жараёнида иштирок этадиган аъзоларидан бир ишламай қолса, ўша одам ўтирган жойида ўзи билан ўзи бўлиб қолади. Соғлом одамлар уни сезмай бемалол ўтираверади, унинг ичида эса қанча нарса бўлиб ётибди. Ичида нималар бўлаяпти, инсон бу нарсанинг фарқига бормайди!

Демак, Оллоҳ таоло инсонни мана шундай муҳтож қилиб яратди, яна унинг эҳтиёжини то жаннатга киргунича умуман тугамайдиган қилиб яратди. Оллоҳ таоло инсонга жаннатга киргандан кейин ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйди, ейдиган, ичадиган нарсалар, ҳамма ҳамма нарсаларни тайёрлаб қўйди. Лекин инсоннинг барибир эҳтиёжи бор, жаннатга киргандан кейин ҳам эҳтиёжи тўхтамайди...

Демак, Оллоҳ таолонинг Сомад исмини луғавий маъноси, биринчи саййид маъносида, яъни бу дегани Усиз иш битмайдиган Зот дегани бўлса, иккинчи маъноси, ичи ғовак эмас деганидир.

Шаръий маънода эса, Сомаднинг маъноси, бутун халойиқ Оллоҳга муҳтож деганидир. Яъни ҳамма нарса бошини кўтариб, Унга эҳтиёжини айтади. Ҳаттоки эътибор берсангиз, каптар тухум қўяётганда бошини юқорига кўтариб овоз чиқарар экан. Товуқ ҳам тухум қўйиш пайтида бошини осмонга кўтаради. Ҳатто туя ҳам, агар боласи тортиб олинса, одам йиғлагандай йиғлаб нола қилади, кўзларидан ёш оқизиб, кейин охирги иши бошини осмонга кўтариш бўлар экан. Яъни Оллоҳга эҳтиёжини нола қилиб шикоят қилади.

Сулаймон алайҳис-салом ёмғир сўраш учун чиқдилар. Ёмғир сўраш учун мўминлар билан кетиш пайтларида йўлда бир чумолини осмонга қараб дуо қилиб турганини эшитдилар. Чунки Сулаймон алайҳис-саломга ҳайвонларнинг тили ўргатилган эди. Чумоли ёмғир сўраб турганди, шунда у киши бўлди, қайтаверинглар, чунки биздан олдин бошқалар ёмғирни

сўраб бўлган экан, деб қайтиб келдилар. Яъни ўша чумоли ҳам осмонга қараб Оллоҳга ҳожатини шикоят қиляпти. Ҳамма нарса, бутун махлуқот, денгиздаги балиқларни оласизми, ундан бошқаларни оласизми, ҳатто бизни турган турмушимизнинг бари Оллоҳ таолога муҳтожликдан иборат.

Оллоҳус-сомад дегани, бутун халойиқ Унга муҳтож бўладиган Зот дегани. Яъни мақсуд Зот дегани, мақсуд дегани эса, У мурод қилинган деганидир. Нима ҳожатингиз бўлса, Оллоҳдан сўранг. Юқорида қушларни, каптар ва товуқни мисол қилдик, ҳатто ҳайвонларнинг ҳаммаси Оллоҳга эҳтиёжманд эканини билиб турганда, бу жоҳил инсон ва жин эҳтиёжини Оллоҳдан бошқадан сўрайди. Яна кимдан сўрайди? — денг, ўзига ўхшаган муҳтож биридан сўрайди. Ундан ҳам ёмонроғи қабрда ётган одамдан сўраши, ёки ҳайкалнинг ёнига бориб бутдан сўраши, ҳолбуки қабрда ётган одам ўликдир. Оллоҳ таоло ўша ҳақида Қуръонда айтади: **“Оллоҳни қўйиб, қиёмат кунигача дуосига жавоб бермайдиган бутларга илтижо қилганлардан кўра ким адашган?! (Энг адашган одам ўшадир) Ваҳоланки, улар (яъни бутлар)**

уларнинг қилган дуосидан ғофилдирлар” (Аҳқоф: 5).

Ўша тошлар, чўплар ёки булоқлар-у, дарахтларга бориб сиғинаётган одамлар, ҳожатини айтиб, “менга фарзанд бер!”, “менинг ишимга барака бер!” деб фолбинлардан, қаёқдаги ёлғончи каззоблардан бориб ҳожатларини сўрайдиган одамлар, ҳеч замондан бир вақт ақли жойига келиб, бир ўйлаб кўрмайдимики, бу ўзи менга ўхшаган ҳожатманд бўлса, менинг ҳожатимни қаердан бажарсин деб. Масалан, сафарга чиққан бир одам йўлда адашиб қолган бўлса, ёнида ўзига ўхшаб адашиб кетаётган одамдан йўл қаерда, деб сўрамайдику! У ҳам ўзига ўхшаган адашган одам бўлса! Ёки муҳтож одам бошқа муҳтож одамга — очидан ўламан деб турган одамга бориб, менга нон бер, сув бер, деса, бу нима деган гап бўлади?!

Ҳамма махлуқот, бутун халойиқ ҳожатини Оллоҳга шикоят қилади. Мўминлар хурсанд пайтида ҳам, шиддат-қийинчилик пайтида ҳам Оллоҳга илтижо қилса, мунофиқлар эса, фарқли ўлароқ шиддат-қийинчилик пайтидагина Оллоҳга илтижо қиладилар. Қаранг, ҳатто мунофиқлар ҳам Оллоҳга илтижо қилишади,

лекин уларнинг фарқи қийинчилик пайтида илтижо қилади, холос, кенгчилик пайтида эса Оллоҳдан сўрашмайди. Мана шу уларнинг мўминлардан фарқидир.

Сомад сўзининг иккинчи маъноси, Оллоҳ таоло ичи ковак, ғовак бўлмаган Зот демақдир. Бунинг қандайлиги Оллоҳгагина маълум. Биз Оллоҳ таолонинг сифатлари ҳақида гапирганимизда, маъноларига иймон келтирамиз. Масалан, Оллоҳ таоло эштади, шундайми? Ҳа, эштади. Қандай эштади? Биз у томонини билмаймиз. Унинг кайфияти Оллоҳга маълум, **“Оллоҳ таолога ўхшаш ҳеч нарса йўқдир”** (Шуро: 11). Ҳеч бир нарса Оллоҳдай эмас. Оллоҳ таоло эшитувчи, кўрувчи ва ичи ғовак эмасдир. Унинг кайфияти эса Оллоҳга маълум. Оллоҳус-сомад дегани мана шу маънони ҳам беради.

Сомаднинг учинчи маъноси, ҳамма сифатларда комил деганидир. Яъни сомад сўзи араб тилида комил маъносида ҳам ишлатилади. Оллоҳ таоло Холиқ (Яратувчи)лигида комил, қувватида комил, жабарути-азоблашида комил. Оллоҳ таоло азоблайман деса, етарлича азобни бериб қўяди. Агар неъмат бераман

деса, етарлича неъмат бериб қўяди. Оллоҳ таоло ҳикмат соҳибидир, ҳикматда ва илмда комилдир. Оллоҳ таоло ҳеч нарсага муҳтож бўлмайди. Ибнүл Қоййим раҳимаҳуллоҳ худди шу маънони *“Бадаиул фаваид”* китобида айтган эканлар.

Оллоҳ таоло ҳамма сифатларида комил, илмида комил, эшитишида комил... Хуллас, бу сифатда комил, у сифатда комил, деб ўтирмасдан Оллоҳ Сомаддир, десангиз етарлидир. Оллоҳус-Сомад деганда инсоннинг хаёлидан ўша маънолар ўтиши керак. Яъни Сомад дегани бутун сифатларда мукаммал даражага етган деганидир. Шундан нима сабабдан “Қул ҳуваллоҳу аҳад” сураси Қуръоннинг учдан бирга тенг эканини билиб оламиз.

Сомад ниҳоятда катта маънони беради. Яъни Оллоҳ субҳонаҳу ва таолони бутун сифатларини ўзида жамлайди. Оллоҳ таоло азоб беришда комил, қаҳрда комил, агар бир кишига қаҳр қилса, етарлича қаҳр қилади. Агар бир кишини раҳмати билан ўраса, раҳим қилса, комил раҳим қилади. Оллоҳнинг раҳмати комил. Агар уни раҳмати нуқсонли бўлганга қиёсласангиз, буни қиёсул авло дейилади, масалан,

оналаримиз бизни дўзахга-оловга ташлаб куйдирадими? Албатта куйдирмайди. Лекин онанинг раҳмати комилми ёки ноқисми? Ноқис бўлатуриб ўз фарзандини куйдирмаса, Оллоҳ таолонинг раҳмати комил, уни қандай ўйлайсизлар? Оллоҳ таоло бандасига шунчалик раҳимлики, унга билган ва билмаган ҳамма шароитларни қилиб беради. Оллоҳ таолонинг биз билмаган қанча раҳмати бор. Мана шу коинотнинг ўзида қанча ишлар бўлаяпти, узоққа бормасдан, инсон ўзининг аъзолари ҳақида озроқ ўйлаб қараса, қанча неъмат бор. Ибнул Қоййим раҳимаҳуллоҳ айтганларки: “Ким ўзини таниса, Раббини танийди”. Ким ўзининг қанчалик ожиз эканлигини, ўзининг муҳтожлигини билса ва бу эҳтиёжини қаердан қонаётганлигини билса, инсон ўзи-ўзидан Оллоҳ таолога сажда қилиб юборади. Инсоннинг маърифати шундай нарсаки, қалбига маърифат кирган заҳоти инсон бошқа инсонга айланиб қолади. Биз билан саҳобаларнинг ўртасини ажратадиган нарса мана шудир. Мана Саъд ибн Аби Ваққос разияллоҳу анҳуни олайлик, у киши Маккада онасига яхшилик қилиш билан машҳур киши бўлган. Саъд ибн Аби Ваққос онасига жуда кўп яхшиликлар

қилган. Кейин Расулulloҳга иймон келтирдилар, унинг иймон келтирганига онаси рози бўлмади, сен бизнинг ота-боболармиз динида айнидинг, бу йўлингдан қайтасан, деганида у киши қайтмадилар. Агар қайтмайдиган бўлсанг, мен овқат емасдан очимдан ўламан, кейин одамлар ичида шарманданг чиқиб юрадики, бу онасини ўлдирган, деган гапни бир умр эшитасан, деди. Ўшанда онаси овқат емай қўйди, ҳаттоки овқат ейдиган вақт бўлганда чўп билан оғзини очиб, мажбурлаб оғзига бир-икки луқма тиқиб едирадиган даражада овқат емай қўйди. Шунда Саъд онасига: Эй она, мен Оллоҳга иймон келтирдим, агар сизнинг юзта жонингиз бўлиб, ҳар куни битта-битта чиқиб кетса ҳам, мен бу диндан чиқмайман, хоҳланг енг, хоҳланг очингиздан ўлинг, деган экан. Шунда Оллоҳ таоло бу ҳақида Қуръон нозил қилди: **“Агар улар (отананг) сенинг илминг йўқ бўлган нарсага мажбурласалар, уларга итоат қилма. Лекин (улар кофир бўлса ҳам) бу дунёда уларга яхшилик қилгин”** (Луқмон: 15). Агар улар сени кофир бўлишга, Оллоҳга осий бўлишга ундайдиган бўлсалар, унда уларга итоат қилмагин, деган.

Қарангки, Саъд ибн Аби Ваққос олдин онасига яхшилик қилиб, айтганидан чиқмасди, Оллоҳга бўлган иймон у кишини тамоман бошқа инсонга ўзгартириб қўйди. Бир калима (тавҳид калимаси), Оллоҳнинг маърифати инсон қалбига кириб, уни ўзгартиб қўйгани тарихда жуда кўп бўлган.

Унда бизнинг муаммомиз нимада? Эҳсос, яъни ҳис қилишимиз йўқ, беэътибор, ғофил бўлиб қолганмиз. Атрофимизда қанча-қанча ибратли воқеалар бўлиб, ўтиб кетаверади, ундан панду насиҳат олиш деган нарса йўқ. Ҳаёт худди рефлекс шаклига, яъни худди одатий ҳолатга айланиб қолган. Эрталаб бўлаяпти, кечқурун бўлаяпти, эрталаб бўлаяпти, кечқурун бўлаяпти, бу ҳаётда қаёққа кетаяпмиз, бу ҳаёт араваси олдинга қараб кетаяпти. У бир кун келиб жарликка тушади, жарга тушиш дегани, бизнинг ўлимимиз дегани. Ҳар бири-мизнинг ҳаёт араваси шу ёққа қараб тўхтамасдан кетаяпти, бир кун бориб жарликка тушади. Лекин ўша жарликка тушган пайтда жаннат боғига тушадими, ёки дўзах чоҳигами? Бундан панду насиҳат олиш учун одамга озроқ эҳсос-ҳис қилиш керак бўлади. Мана Қаънабийнинг воқесини айтиб бергандик, у киши

Шўъба ибн Ҳажжожнинг қўлида тавба қилган. У Басрада ароқ ичадиган алкаш одам бўлган. Бир куни шериклари билан ароқ ичишга кетишга ваъдалашиб йўлга чиқиб турганда, Шўъба ибн Ҳажжожга дуч келади. Шўъба муҳаддис, катта имомлардан ҳисобланади, худди имом Абу Ҳанифа, имом Моликларга ўхшаган, ҳатто имом Моликлардан ҳам катта киши бўлган. Шу кишини шогирдлари билан келаётганини кўриб, бу шайх ким экан, деб ажабланиб, ким бу? — деса, бу киши муҳаддис, дейишади. Муҳаддис нима қилади? — деса, ҳадис ривоят қилади, дейишади. Кейин бориб, эшагининг жиловидан ушлаб тўхтатиб, қани менга бир ҳадис айтиб берингчи, дейди. Шунда Шўъба озроқ ўйланиб туриб, кейин санади билан қола ҳаддасана фулан, қола ҳаддасана фулан, деб қола Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Инна мимма адроканнасу мин калаамил нубувватил увла, иза лам тастаҳйи фаснаъ мо шиъта”, маъноси: “Одамлар олдинги пайғамбарлар каломидан топган нарсаларнинг хулосаси шуки, агар уялмасанг, билган ишингни қилавер”, деганлар (Бухорий ривояти). Уялмасанг билганингни қилавер деган жойида у кишининг қалбига маърифат кириб келди.

Битта калима қалбига кириб келди ва бирдан тавба қилди. Уйига қайтиб келиб, ҳамма ароқ бочкаларини йиқитиб, онасига: Эй она, ўртоқларим келса, мени кетган деб айтинг, энди мен йўқман, деган экан.

Кейин чиқиб одамлардан энг олим ким? — деб сўраганда, одамлар энг олим киши Молик, деган экан. Имом Молик Мадинада бўлса, бу киши Басрада бўлган. У шу жойдан (Ироқдан) тўғри Мадинага қараб жўнаб кетган. Бориб, имом Моликнинг ёнида ўтириб, у киши ўлгунича ундан илм олган экан. Имом Молик ўлганидан кейин, Басрага қайтиб келса, Шўьба ўлиб бўлган экан. Шу тариқа Қаънабий Шўьбадан битта ҳадис эшитган, у юқорида айтилган ҳадис бўлиб, у кишининг ҳаётини ўзгартириб юборган. Қаънабий имом Бухорийнинг шайхи, яъни устози бўлганлар.

Абу Ҳотим Розий, бу киши муҳаддисларнинг муташаддидларидан, жарҳ ва таъдилда қаттиқ киши бўлган, унча-мунча одамни яхши демайдиган даражада муташаддид. Ҳатто ўша киши Қаънабий ҳақида шундай деганлар: Мен бу кишидек Оллоҳ учун ҳадис айтган бирор муҳаддисни кўрмаганман. Яъни Қаънабий

ҳадисни Оллоҳ учун айтади, деган. Ўшандай алкаш бўлган одам, бир вақтга келиб, ҳаёти қандай даражага ўзгариб кетганини кўринг.

Шайх Абу Исҳоқ ҳафизаҳуллоҳ айтиб берадилар: Бир куни бир масжидда аёллар тўғрисида муҳозара-маъруза бўлаётган пайтда Оллоҳнинг қадари билан бир раққоса аёл масжиднинг ёнидан ўтиб қолибди. Эри йўқ бўлган бу аёл, эскидан одамларнинг уйларида юриб, пул топаман деб хизмат қилар, унинг эшигини супуриб пул олар, бунинг эшигига бориб, хизмат қилиб пул олар экан... Мана шундай қийналиб юриб, бир аёлга дардини айтса, у бунақа қийналиб 20 жунайҳ, 50 жунайҳ қилиб юрасанми, ундан кўра артистлик қил, раққосалик қилсанг, катта пул тушади, деб унинг ўша эҳтиёжидан фойдаланиб, раққосаликка олиб кетиб, катта раққоса бўлиб кетган экан. Раққосалик қилиб бойиб кетган. Бир куни концерт бериш учун кетаётган пайтда йўлнинг нариги томонда концерт зал бор экан, ўшанга ўтишдан олдин йўлда тўхтаб туриб, масжиднинг олдида сувлар совутиб қўйиладиган жойдан сув ичаман деб шундай масжид томонга ўтиб сув ичиш пайтида қулоғига маъруза бераётган шайхнинг сўзлари чалинган. Унинг

сўзлари қулоғига кирган заҳоти тавбага келган. Масжидга кириб хат ёзиб бераяпти; мени номусимни сақлаб, покиза олиб юрадиган бирорта эркак бўлса, оёғини ювиб хизматини қиламан, мен ҳамма қилган ишимдан тавба қилдим.

Қаранг, битта гап инсоннинг ҳаётини тамоман ўзгартириб юборди. Бизга мана шу нарса етишмайди. Саҳобалар билан бизнинг ўрта-миздаги фарқ шунда.

Сомад исми ҳақида гаплашаётган эдик, демак, Сомаднинг биринчи маъноси, бутун ҳожатлар Унга тушадиган Зот дегани. Иккинчиси, У инсонларга ўхшаб ичи ғовак эмас дегани. Учинчи маъноси, комил деган маънода, яъни Оллоҳ таоло ҳамма сифатларида комил Зот дегани. Мана шуниси жуда катта маънони ифодалайди. Оллоҳ таоло азоб беришида комил, раҳматида комил, ... бениҳоят даражада комил Зот дегани.

Тўртинчи маъноси, Сомаднинг бу маъносини Қуръонни ўзи тафсир қилапти: “Аллазий лам ялид ва лам юулад”, маъноси: **“У зот туғмаган ва туғилмаган”** (Ихлос: 3). Яъни У ўзидан насл қолдирмаган ва бошқа наслдан

ҳам келган эмас. Оллоҳ таоло аввал бўлган Зот, худди шуни Оллоҳ таоло Қуръонда бошқа жойда шундай дейди: **“Оллоҳ таоло Аввал бўлган зот”** (Ҳадид: 3), яъни У энг аввалги Зот, ҳамма нарса махлуқ (яратилмиш) бўлиб, Оллоҳ таоло уларни яратгандан кейин пайдо бўлган. Оллоҳ таоло аввали йўқ бўлган Зот, яъни азалий ва абадий бўлган Зотдир. У туғмаган ва туғилмаган дегани мана шу маънодадир.

Сомаднинг учинчи маъноси бўлган комиллигини оятдаги “ва лам якуллаху куфуван аҳад”дан олдик, маъноси: **“Ҳеч бир киши Оллоҳга тенг бўлмайди”** (Ихлос: 4).

Баъзи ривоятда, “ва лам якуллаху куфъан аҳад” бўлиб келган, яъни **“Ҳеч бир киши Оллоҳ таолога тенг бўлмайди”**, деганидир. Ҳеч бир киши ҳеч бир сифатда Оллоҳ таолога тенг бўлмайди.

Сомад исмининг бешинчи маъноси, Усиз ҳеч бир иш битмайдиган Зот дегани. Луғавий маъносида ҳам бу маънони айтган эдик. Араблар сомадни усиз бирор иш битмайдиган зотга нисбатан қўлланадилар. Оллоҳ таоло аралашмаса, ҳеч бир иш бўлмайди. Оллоҳ таоло амр қилмаса, ҳеч бир нарса бўлмайди,

агар Оллоҳ таоло уни яратмаса, ҳаттоки қўл мана шу жойдан тепага кўтарилмай қолади. Бунинг мисолини, исботини кўрсатиш учун Оллоҳ таоло ичимизда баъзи нарсаларни истисно ҳолатда кўрсатиб қўяди. Соппа-соғ юрган одам машинасида автоҳалокатга учрайди-да тамом қўл-оёғи ишламай қолади. Ҳар биримизга шундай бўлиши мумкинми, ё йўқми? У нарса ҳар одамга бўлиши мумкин. Ўша одамни олайлик, мияси ишлаб турибди, қўлни кўтариш керак деган нарсани билипти, лекин қўл қимирламайди. Қимирлатаман деса ҳам қимирламайди. Демак, Оллоҳ таоло яратмаса, шу иш бўлмас экан. Оллоҳ яратмаса ҳеч нарса бўлмайди. Оллоҳ таоло бизга билдириш учун мана шундай нарсаларни истисноий тарзда кўрсатиб қўйди. Эсларингизда бўлса, Мухаммад Ҳассон айтиб берган ҳикояни айтиб бергандик; Мисрда катта бой киши 600 миллион пулини қўлимни бир ишлатишликка алмашман, дейди. Машинада авария бўлиб, бўйнидан пасти ишламай қолиб, тўшакка михланиб қолган. Хотини ўлган, бир ўғли бор экан, фақат у ҳам қаергадир кетган. Кундузи билан ҳайдовчим хизмат қилади, кечаси яхши ўхлаб ётган бўлади, уйғотай десам ичим ачийди,

баданим қичийди, ўшани қашишга қўлим бормайди, агар қўлим борса шу пулимни ҳаммасига алмашаман, дейди. 600 миллион долларини шу бир марта тирнаб қўйишга алмашаман, дейди. Бу неъматни ҳеч ўйлаб кўрган-мисиз?!

Бу хабар бизга нима учун қайта-қайта етиб келяпти, такрор-такрор эслатиляпти, бу Оллоҳнинг қадари билан бўляпти. Яъни бу нарса бизга шуни эслатади: билингки, агар Оллоҳ яратмаса қўлингиз жойидан қимирламайди, оёқ ҳам қимирламайди, кўзимиз ёпилмай, шундай очиқлигича қолиб кетади. Бунни мана ўлган одамда кўрамиз. Оллоҳ таоло ўлган одамнинг руҳини олиб қўйгандан кейин, қаранг, шундай бир нарсага айланиб қоладики, тезроқ олиб бориб кўмиш керак бўлади, бошқа нарсага арзимамайди. Биз учун ҳар қанча азиз одам бўлса ҳам, олиб бориб қабрга кўмиб келишдан бошқа нарса қилолмайсиз. Ҳаммамиз ҳам бир куни ўша ҳолатга тушиб қоламиз. Шундан билайликки, Оллоҳ таоло бизга ёрдам бериб турибди. Ҳатто кўзимизнинг очилиб, ёпилиши ҳам, қўлимизнинг битта ҳаракати ҳам, сочимизнинг битта толасининг ўсиши ва тўкилиши ҳам Оллоҳ таолонинг амри билан бўляп-

ти. Оллоҳ Сомаддир, дегани мана шу маънони беради. Яъни бирон-бир иш Унинг изнисиз, Унинг бошқарувисиз бўлмайди, дегани, у хоҳ катта иш бўлсин, хоҳ кичик.

Шу маънога иймон келтирган одам, яна Оллоҳдан бошқадан умид қилса, ўзидан кўрсин. Агар шу маънога иймон келтирган одам, Оллоҳдан бошқадан қўрқса, Оллоҳдан бошқанинг маломатидан қўрқса, Оллоҳдан бошқани рози қиламан, деб Оллоҳни ғазаблантирса, бу одамдан кўра жоҳил одам бўлмаса керак. Энг жоҳил одам Оллоҳни ғазаблантириб, махлуқларни (Оллоҳдан бошқа жонзотларни) рози қилган одам бўлади ва энг аҳмоқ одам ҳам шу. Ундан ҳам кўра аҳмоқроғи, Оллоҳни ғазаблантириб, ўзининг ҳаётида роҳатланиш учун эмас, бошқа бир одамнинг дунёсини обод қилган одамдир. Мунофиқ бўлиб, на бу ҳаётда яхши яшайди, на охирада бир насибаси бўлади.

Демак, Оллоҳ Сомаддир дегани жуда катта маъноларни ифода қилади. Агар ўйлаб қарайдиган бўлсак, Оллоҳ таоло бутун сифатларида комил бўлган Зот экан.

Ва яна бешинчи маъноси, Усиз иш битмайдиган Зот дегани. Ҳеч бир иш Усиз битмайди. **“Оллоҳ таоло ҳар кун бир иш қилган ҳолдир”** (Раҳмон: 29). Раҳмон сурасини ўқиганимизда мана шу маъно хаёлимизга келиши керак. Оллоҳус-Сомад хаёлимизга бирдан келиши керак. Бу оятнинг маъноси, Оллоҳ ўлдираяпти, тирилтираяпти, кимларнидир азиз қиляпти, кимларнидир хор қиляпти, кимларнидир касал қиляпти, кимгадир шифо бераяпти ва ҳоказо ... ҳар кун бир ишни содир қилади. Мана шу Оллоҳнинг қиладиган ишларида биз айланиб-айланиб кетаверамиз, худдики, таъбир жоиз бўлса, биз дарёда оқадиган сувга ўхшаймиз. Оллоҳ хоҳлаган томонига қараб оқизади, биз ўша дарёда бир-биримизга урилиб-урилиб оқиб кетаверамиз. Бунда тўхтайти олмайсиз, орқага қайта олмайсиз, Оллоҳнинг қонуни мана шундай. Фақатгина бу ерда биздан талаб қилинган нарса, биз агар Оллоҳни қалбимиз билан танисак, биз учун бундан кўра бахтлироқ нарса бўлмайди. Хоҳланг, хоҳламанг ҳаёт ўтиб кетади, бир кун келиб ҳаммамизнинг ҳаётимиз тугайди. Лекин оқибат кимга бўлади? Оқибат тақводор одамларники бўлади. Ким тақводор бўлади? Оллоҳни таниган одам

тақводор бўлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: “Мен сизларнинг Оллоҳни энг танувчиروқларинг ва Оллоҳдан энг тақво қилувчиларингман” (Бухорий ривояти).

Оллоҳдан тақво қиладиган одам ким? Оллоҳни таниган одам тақво қилади. Яна такрор айтамыз, Оллоҳ суҳонаҳу ва таоло Китобида Ўзини исм-сифатлари билан танитди. Буни араблар жуда ҳам яхши тушунганлар, Сомад калимасини араблар жуда ҳам яхши тушунган. Ҳозир биз Қуръони Карим таржималарида Оллоҳус-Сомаднинг таржимасида “Оллоҳ беҳожатдир”, деб таржима қилиб кетганини кўрамыз. Оллоҳ беҳожатдир дегани Сомаднинг тўлиқ маъноси эмас, у жузъий маъноси, холос. Чунки, беҳожатлик билан мақтов бўлмайди, балки бошқаларнинг ҳожати Унга тушадиган Зот, дейиш керак. Бу биринчидан, иккинчидан эса бу ерда Оллоҳ сифатларида комил деган маъно айтилмаяпти. Оллоҳус-сомад дегани Оллоҳ таоло бутун сифатларида комил дегани, ҳамма сифатларида; илмида комил, қудратида комил, ... ҳамма-ҳамма сифатларида комил Зот дегани.

Охирги маъноси, Усиз иш битмайдиган Зот дегани. Ҳеч бир иш Оллоҳнинг ваколatisиз битмайди. **“Оллоҳ таоло ҳамма нарсанинг вакилидир”** (Анъом: 102).

Вакил нима дегани? Сабаблар билан натижа ўртасида Оллоҳнинг ваколatis бор, Оллоҳ рухсат бермаса, ўша иш бўлмайди, дегани. Масалан, олов куйдиради, олов куйдириб ёндиришликка сабаб бўлади, лекин Оллоҳ буюрса куйдиради, буюрмаса куйдирмайди. Буни Иброҳим алайҳис-саломнинг мисолида кўришимиз мумкин. У зот оловга ташланганда олов куйдирмади. Нега куйдирмади? Чунки Оллоҳ таоло оловга нима деди? **“Эй олов, Иброҳимга салқин ва саломатлик бўл!”** деди (Анбиё: 69).

Иброҳим алайҳис-саломнинг оловда куймасдан юриб чиқиб келганини кўрган отаси Озор: “Эй Иброҳим, сенинг Раббинг жуда ҳам яхши зот экан”, деган, лекин кофирлигича қолган. Яъни Оллоҳ таоло қудратини кўрсатиб қўйди, ҳозир ҳам Оллоҳ таоло бизга қудратини кўрсатмаяптими? Ҳар бир нарсанинг ризқи Оллоҳ таолонинг қўлида эмасми? Оллоҳ таоло кимнинг ризқини Ўзидан бошқага топшириб

қўйди, айтингчи? Кимнинг эмас, ниманинг ризқини дейлик! На қушларни айтасизми, на балиқларни айтасизми, ҳаётда ниманики бўлса олинг, унинг ризқи кимнинг қўлида? Унинг ризқи Оллоҳ таолонинг зиммасидадир. Биз шунга иймон келтирганмизми? Оллоҳ таоло Қуръонда айтади: **“Ер юзида ўрмалаган нарса борки, унинг ризқи Оллоҳнинг зиммасидадир”** (Худ: 6). Унинг ичига инсон ҳам, чумоли ҳам, пашша, бит, бурга ҳам, ҳамма нарса киради. Жони бор нарса бор экан, унинг ризқи Оллоҳнинг зиммасидадир. Бизнинг ризқимизни Ўзидан бошқага қилиб қўймагани Оллоҳ таолонинг раҳмати бўлди. Агар бизнинг ризқимизни Ўзидан бошқа бирига қилиб қўйганда, инсонлар бу бизнинг ризқимизни беряпти, дея ўшанга ибодат қилиб кетишлари мумкин эди. Бир фариштани бирор тоғнинг устига, ёки бир баланд жойга чиқариб қўйиб, ким нима сўраб борса, фаришта сўраганини бераверишини тасаввур қилинг. Сенга фарзанд керакми, бор ана фаришта беряпти, менга ўғил, менга қиз, мен касал эдим, шифо бер, у бер, бу бер, нима сўрасангиз, фаришта бераверса, одамлар ўша фариштага ибодат қилармиди, ё

йўқми? Аниқ ўша фариштага ибодат қилиб кетарди!

Оллоҳ таолонинг раҳамтики, бирон-бир нарсани Ўзидан бошқага топширмади. Бўлмаса Оллоҳ таоло яратган фаришталаридан бирини тушириб қўйиб, бу ишларни унга топшириб қўйишга қодир эди. Оллоҳ таоло шундай қилди ҳам, фаришталарга ёмғир, қорларни ёғдиртирди, шамолларни эсдиртирди, бутун коинотдаги ишларни фаришталарга бажартирди, лекин ҳеч бир ризқни фаришталарнинг қўлига қўйиб қўймади. Оллоҳ бу ризқ Менинг зиммада, деди. Одамларнинг умри Оллоҳнинг зиммасида бўлди. Оллоҳ таоло белгилаб берди, фалончи фалонча вақт яшайди, фалон пайтда ўлади, деб ёздирди фариштага. Ибн Масъуд разияллоҳу анҳунинг ҳадисида шундай келади: “Сизлардан бирингизнинг жамланиши онасининг қорнида қирқ кунда нутфа ҳолида бўлади. Кейин қирқ кунда алақ-лахта қон ҳолида бўлади. Ундан кейин бир чимдим-бир тишлам гўшт ҳолида бўлади. (Яъни 120 кун бўлгандан) Кейин фаришта юборилади, унинг умри, ризқи, амали, бахтли ва бахтиқаролиги ёзиб қўйилади” (Бухорий ва Муслим ривояти). Яъни қанча ризқи бор, қанча умри бор, амали

қанча, жаннатий ёки дўзахий эканлигини Оллоҳ таоло ёздиртиради. Оллоҳ таоло бу ишни ҳеч кимга, на бир фаришта, на бир пайғамбар, на бир валий ва солиҳ кишиларга қўйиб қўймади. Бу ҳам Оллоҳ таолонинг катта раҳматидандир. Бу нарсалар бизга Оллоҳнинг Сомад эканлигини билдиради. Демак, Сомад мана шу бешта маънода келади.

Келинг, яна бир такрорлайлик, биринчи маъноси, бутун махлуқотлар Унга муҳтож дегани.

Иккинчи маъноси, инсонларга ўхшаб ичи ғовак эмас дегани. Бунинг қандай эканини эса Оллоҳнинг Ўзи билади.

Учинчи маъноси, сифатларида комил дегани. Яъни Оллоҳ ҳамма сифатларида комилдир. Мана бу Сомаднинг энг катта маъноларидандир.

Тўртинчиси, учинчи сифатдаги ҳамма сифатларида комил деганини тўлдириб келади, яъни У туғмаган ва туғилмаган ҳамда ҳеч бир нарса Оллоҳдай эмас деган маъно. Туғиш ва туғилиш махлуқларда бўладиган, Оллоҳ яратган бир нарсадир. Оллоҳ таоло на фарзандга, на аёлга, на ейиш-ичиш каби нарсаларга ҳеч муҳтож

бўлмаган Зотдир. Балки бошқа махлуқотлар Оллоҳга муҳтож бўлади.

Бешинчи маъноси, Усиз иш битмайди дегани.

Яна бир бор такрорлаймиз;

Биринчи маъноси, Оллоҳ таоло бутун махлуқотлар Унга муҳтож бўлган, мақсуд Зот. Бирор ишиз бўлса, Оллоҳга қараб кетаверасиз. Худди ҳозир айтганимиздай, паррандалар ҳам, ҳайвонлар ҳам, ҳаммаси Оллоҳга муҳтож бўлади.

Иккинчи маъноси, Оллоҳ инсонларга ўхшаб ичи ғовак эмас.

Учинчи маъноси, Оллоҳ ҳамма сифатларида комил.

Тўртинчи маъноси, Оллоҳ туғилмаган ва Ўзидан насл қолдирмайдиган Зот.

Бешинчи ва охириги маъноси, Усиз иш битмайди. Яъни У шундай саййид зотки, Оллоҳ таоло айтган ишгина бўлади. Ҳатто арзимаган ишлар ҳам шундай. Дарахтнинг барги ҳам Оллоҳнинг изнисиз тушмайди. **“Битта япроқ узилиб тушмайдики, магар уни ҳам билади”** (Анъом: 59).

Агар биз шу маъноларни кўз олдимизга келтириб Қуръонни варақласак, бизга кўп илмлар очилади, иншаоллоҳ.

Сомад исми ҳақида айтмоқчи бўлганларимиз мана шулар эди. Валлоҳу аълам.

